



Дилфуза МИРБОБОВА
ўқитувчи
Самарқанд давлат чет тиллар институти
suvonova72@umail.uz

ИМПЛИКАЦИЯ ТУШУНЧАСИНИНГ КОГНИТИВ-ПРАГМАТИК АСПЕКТДА ТАЛҚИН ҚИЛИНИШИ

Мақолада бадий матн ва нутқдаги имплицитлик тушунчасининг когнитив-прагматик аспектда изохлаш жараёнида олимлар томонидан тақдим этилган ёндашувларда атамалар хилма-хиллиги таҳлил қилинган. Имплицитлик, импликация ва матн зимни – тағмаёнодаги маъно мезонлари, уларнинг матнда ҳамла мулоқот чоғидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланган.

В статье анализируются различные подходы выдвинутые исследователями в толкование понятия иплицитность и ее разновидности в терминологии. Определены основные критерии имплицитности, импликации и подтекста, их сходства и различия при функционировании в тексте и в коммуникации.

This article deals with the analysis of different approaches suggested by scientists in interpreting the notion of implicitness and its variety in terminology. The author defined the main criteria of implicitness, implication and subtext, their similarity and differences in functioning within the text and in communication.

Калит сўзлар: иплицитлик, импликация, назарда тутилган маъно, имплицит ахборот, имплекатура, имплицит предикация, қўшимча маъно, эмоционал мазмун, фикрнинг имплицит мазмуни, тағмаёно.

Ключевые слова: имплицитность, импликация, имплекатура, предполагаемый смысл, имплицитная информация, имплицитная предикация, дополнительный смысл, эмоциональное содержание, имплицитное содержание мысли, подтекст.

Key words: implicitness, implication, implicit, prediction, emotional content, implicit content of notion, subtext.

Тилда ва нутқда ифодаланадиган имплицитлик муаммоси бугунги кунда тилшунос ва рухшуносларни, мантиқчи ва файласуф олимларни ўзининг мураккаб семантик таркиби, тилда турли воситалар орқали ифодаланиши

билан қизиқтириб келаётган мураккаб масалалардан биридир. Масаланинг назарий асослари И. Арнольд (1982, 1991), С. Аскольдов (1997), А. Бондарко (1978, 1984), Е. Кубрякова (1981, 1991, 1996, 2002), А. Масленникова (1999), Ю.М. Скребнев (1975, 1985, 1990), Ю. Степанов (1971, 1997, 2002) ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган. Муаммони ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотларнинг ҳаддан ташқари кўплигига қарамай, импликация, унинг фикрни формал структураларида воқеаланиши, бир тилда ифодаланган имплицитлик турлари ва уларнинг бошқа тилларда таржима жараёнида қайта тикланиши каби масалаларда олимларнинг ҳамон ҳар ягона фикрга келмаганликлари кузатилади. Тилшуносликда узок пайтларгача имплицитик тушунчаси бир маънода қўлланиладиган фикрнинг *назарда тутилган маъноси*, сўз бирикмаси компонентлари орасида мазмуний боғлиқликнинг мавжуд эмаслиги ёки сўзнинг, вазият белгиларининг доимий компонентлар орқали ифодаланмаслиги каби талқинларда берилган.(1, с. 255). Ушбу тушунча когнитив тилшуносликда *субфреймлар* ёки *фреймларнинг терминаллари*, лингвистик семантикада эса *маънонинг импликационаллиги* сифатида ўрганилади. Н. Панинанинг асосли фикрича, *имплицит ифодаланадиган фикр* тушунчаси лисоний бирликнинг нутқ жараёнида қўшимча, назарда тутилган маънода қўлланилиш имконияти ва ундан бу қўшимча ахборотни илғаб олиш жараёнини ифодалайди. Масалан, *Сегодня утром с Сашей Мальцевым шайбу побросали*, Прецедент ном билан келаётган бу жумладаги имплицит ахборот, яъни қўшимча маъно *Я знаком с известным хоккеистом* ҳисобланади(5, 53).

Лисоний бирликнинг ташқи шакли билан ифодаланмаган, аммо бир тил доирасида кечадиган вербал мулоқот жараёнида англашиладиган бундай яширин ахборот кўплаб тадқиқотларда *имплекатура* атамаси билан ҳам юритилиб келинмоқда (2) ва бу тушунчаларнинг қўлланиши борасида аниқлик киритиш зарурати пайдо бўлмоқда.

И. Арнольднинг таъкидлашича, “импликация, бу – микроконтекстда ёки мулоқот вазиятида вужудга келадиган ва тил бирлиги орқали билвосита ифодаланмайдиган қўшимча маънодир. Имплекатура эса, ушбу жараённинг номидир”(2, 4).

Шундай қилиб, импликация тушунчаси ифодаланмаган маъно (ахборот), ифодаланмаган фикрдан вужудга келадиган хулоса, икки ёки ундан ортик лисоний бирликларнинг нутқ жараёнидаги мантиқий-маъновий боғлиқлигини ифодалайди. Айни пайтда, турли тадқиқотларда импликация тушунчаси орқали кўплаб янги атамалар ва таърифлар ҳам вужудга келаётганлигига гувоҳ бўламиз.

Масалан, Е. Старикова *имплицит предикация* атамасини қўллаб, уни назарда тутилган яширин маъно, шунингдек мантиқий боғлиқликлари тушириб қолдирилган фикр, вазиятга боғлиқ равишда билвосита ифодаланган қўшимча ахборот белгилари, деб таърифлайди (6).

В. Кухаренко “импликация” мазмунига “матн бирликлари орасидаги билвосита боғлиқликлар туфайли вужудга келадиган *қўшимча маъно ёки эмоционал мазмун*” тушунчасини киритиб, улар матн ва тагмаъно (подтекст), алоҳида сўзлар орқали ифодаланадиган имплицитонал қўшимча мазмун орқали ифодаланишини таъкидлайди. Бундай қўшимча маъно яхлит контекст орқали, биргина гап ёки асарнинг бутун сюжети орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Яширин ифодаланадиган қўшимча маъно, асосан, муаллифнинг бадиий маҳорати ва матн материалининг расмийлаштирилиши, яъни артиклар, сўз тартиби, мантиқий баён қоидаларидан чекиниш, сўзларнинг стилистик мақсадда қўлланилиши орқали вужудга келтирилади(4).

Бу ўринда машҳур француз ёзувчиси Ги де Мопассан ўз асарини «Ҳаёт» деб номлашида қанчалик имплицит ахборот жамланганини тасаввур қилиш мумкин.

К. Долинин эса бундай қўшимча маънони умумий маъно англатувчи фикрнинг *имплицит мазмуни* атамаси билан юритишни таклиф қилади. Фикрнинг имплицит мазмуни дейилганида, у биринчи навбатда лисоний бирликнинг асосий маъноси орқали ифодаланмаган, аммо нутқ жараёнида англанадиган мазмунни назарда тутди(3, 34 – 47).

Г. Почепцовнинг фикрича, мулоқот жараёнида воқеланадиган “назарда тутилган фикр”нинг лисоний мазмуни бошқа маънодаги ахборотга (бизнинг тушунчамиздаги имплекатурага) айланади. “Бундай ахборот лисоний бирликнинг хусусий мазмунига эмас, ундан англашиладиган, талаффуз қилинмайдиган қўшимча маънони ифодалайди”. Масалан, олима келтирган рус тилидаги матнда: *Дует* – импликатура, имплицит мазмуни: *Закройте окно* (талаффуз қилинмайдиган, аммо вазият орқали англашиладиган ахборот).

Айрим муаллифлар импликация дейилганда, лисоний бирлик мазмунини ва экспликация орқали назарда тутиладиган ахборотни англашни ҳам тушунадилар ва нутқ жараёнида маъноси импликация қилинадиган лисоний воситалар сирасига нутқ бирликларини, стилистик воситаларни ҳам киритадилар. Натижада импликация атамасининг “имплицит” (Г. Молчанова, 1991), “имплекационал”, “имплекациональность” (М.Оборина, 1993) сингари ясама атамалари ҳам вужудга келган.

Сўзнинг ташқи шакли билан ифодаланмайдиган, аммо унинг ички мазмунидаги когнитив ахборот фондаги билимлар орқали идрок қилинадиган бундай лисоний бирликлар тилшуносликда ҳалигача кўплаб атамалар билан юритилиб келинмоқда. Улар ичида энг кўп қўлланиладиганлари *импликация, имплицит мазмун, имплицит маъно, имплицит ахборот* тушунчалари дейиш мумкин. Лисоний онгда шаклланадиган бундай бирликлар кўпинча *семантик мураккабликлар*(2, с. 6), *нутқдан олдин ифодаланган фикр, қўшимча ахборот, нутқдан англашиладиган қўшимча маъно, семантик компрессия, маъновий қолдиқ, семантик эллипсис, яширин фикр* (тенвое высказываение), *иккиламчи маъно, атайлаб қолдириб кетилган фикр* (намеренные смысловые пропуски), контекстни ривожлантирувчи, перефразани талаб қилувчи бирлик, *маъновий топшимоқ* сингари кўплаб атамалар билан юритилиб келинмоқдаки, бу ўринда импликациянинг метонимия, метафора, синекдоха (умуман, кўчирма маъно) каби стилистик воситалар, реалая, коннотатив ва когнитив маъно, прагматик маъно, прецедент ном сингари тушунчаларга ўхшаш ва фарқли жиҳатларини, уларни таржима тилларида қайта яратиш жараёнини ўрганиш алоҳида тадқиқот объекти бўлиши мумкин. Масалан, семантик компрессия ёки семантик эллипсга хос имплицитликни ифодаловчи куйидаги мисолларга эътибор берайлик:

– *Бугун “Венеция”га бориб, бир маза қилиб тушлик қилиб келсак, нима дейсан? – Биргина тушлик қилиб келиш учун Венецияга бориш шартми?*

Биринчи суҳбатдош ўз гапида “Венеция” ресторанини назарда тутмоқда. Иккинчи суҳбатдош эса семантик компрессия қилинган эллипсли импликацияни тушунмасдан, Венеция мамлакатини назарда тутмоқда. Демак, импликацияни тушунишда коммуникатив вазият, суҳбатдошларнинг фондаги, когнитив билимлари ҳамда прагматик ахборот иштирок этади. Яна бир мисол:

– *Анави қиз жуда кетиворган эканми? – Ҳа, унинг эри ҳам шу фикрда.*

Биринчи суҳбатдош гапида у қизнинг жамолига мафтунлик, у билан танишиш иштиёқи прагматик импликация қилинмоқда ва фикр сўроқ формада ифодаланиб суҳбатдошнинг бу фикрга қўшилиш-қўшилмаслигини билиш истаги ифодланмоқда. Иккинчи суҳбатдошнинг жавоб репликасида эса унинг фикри тўғри эканлиги, аммо унинг иштиёқи бефойда эканлиги, аёлнинг эри уни жуда севиши тасдиқ формада импликация қилинмоқда.

Мисоллардан имплицит ахборот мулоқот жараёнида тасдиқ, сўроқ ва инкор формаларда тагмаъно орқали ифодаланиши англашилди.

Тадқиқотларда имплицитлик тушунчаси тағмаъно/подтекст тушунчаси билан мустаҳкам алоқада эканлиги таъкидланган. (В. Мороз, Т. Сильман, И. Торсуева, И. Гальперин). Масалан, кимдир сиздан “Соат неча бўлди?!” дея сўрамоқчи бўлса, у бундай саволни турли вазиятда турли хил тағмаъно орқали турли оҳангда ифодалаш мумкин. У савол бир пайтнинг ўзида вақт алламаҳал бўлиб қолганлиги ёки оддийгина соатни неча бўлганлигини билиш истаги сингари тағмаъноларга эга ([http:// www.ruthenia.ru/annalystxt/Podtxt.htm](http://www.ruthenia.ru/annalystxt/Podtxt.htm)). Демак, тағмаъно (подтекст) дейилганда, фикр матни орқали ифодаланмай, вазият орқали ифодаланадиган ахборот мазмуни ҳам тушунилади. Кўп ҳолларда тағмаъно (подтекст) тил меъёрларидан чекиниш, сўзни одатдан ташқари вазиятларда қўллаш, сўз шаклининг у ифодалаётган маънога мос келмаслиги, муаллифнинг ёки асар персонажининг – гапирувчи шахснинг прагматик мақсадига боғлиқ ҳолда ҳосил қилинади. У бундай яширин маъноли сўзларни қўллар экан, тингловчига (китобхонга) муайян даражада прагматик таъсир кўрсатишни ҳам мақсад қилиб қўяди. Бинобарин, муаллифнинг, гапирувчининг муайян нутқ вазиятида тингловчига (китобхонга) муайян даражада таъсир ўтказиш мақсадида лисоний воситалар орқали фикрни имплицит ифодалаш муаллиф усули, бадиий маҳорати сифатида ҳам ўрганилиши мумкин.

Шундай қилиб, имплекатуранинг яъни, имплицит ифодаланган фикр деганда, умумий маънодаги референт ёки вазиятдан фарқланадиган референт мавжудлигини, умумий маънодаги пропозициянинг мавжудлигини ва ҳулосага келиш жараёнини, конкрет контекстуал маънодан ёки унинг лисоний мазмунидан англашиладиган маънони тушунамиз. Умумий маъно эса бу икки таркибий қисмнинг натижасидир. Бу икки компонентнинг жумладаги, умуман, фикрдаги умумий маъно билан боғлиқликларига кўра имплекатуранинг турлари аниқланади. В. Комиссаровнинг бу фикрларига таяниб, умумкоммуникатив ва контекстуал имплекатуранинг фарқлаймиз, улар ҳам ўз навбатида, фикрни ифодалашда умумий маъно турига кўра, предметни ифодаловчи, мантиқий ва конвенционал фикрлашни ифодаловчи кичик гуруҳларга бўлинади. Мантиқий ва конвенционал имплекатура эса рамзий ва этикетга доир образли имплекатураларга бўлинадики, уларнинг моҳиятини англаш матнидаги имплекатуранинг таржима тилларига ўгиришда қўл келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Апресян В.Ю. Уступительность: языковые связи // Сокровенные смыслы: Слово. Текст. Культура. – М., 2004. – С. 255–266.
2. Арнольд И.В. Импликация как прием построения текста и предмет филологического изучения // Вопросы языкознания. 1983. – №4. – С. 83–91.

3. Долинин К.А. ИмPLICITное содержание высказывания // Вопросы языкознания. 1983. – № 6. – С. 37–47.
4. Кухаренко В.А. Типы и средства выражения импЛИКАЦИИ в английской художественной речи (на материале прозы Э.Хемингуэя) // НДВШ. Филол. науки. 1974. – №1. – С. 69–74.
5. Панина А.Ф. Текст: его единицы и глобальные категории. – М.: Эдиториал УРСС, 2002. – 368 с.
6. Старикова Е.Н. ИмPLICITная предикативность в современном английском языке. – Киев, 1974. – 152 с.
7. ruthenia.ru/annalystxt/Podtxt.htm